

СУЗИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Айни кунларда пойтахтимиз яна бир нуфузли халқаро спорт мусобақасига мезбонлик қилмоқда. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Aquatics федерацияси ўзаро ҳамкорликда Президентимизнинг 2024 йил 4 ноябрдаги «Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида сузиш бўйича Марказий Осиё очик чемпионатини ташкил этди.



Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозғистон ва Тожикистондан келган 200 нафарга яқин иқтидорли спортчилар U-15, U-16, U-17 ёш тоифаларида иштирок этишмоқда. Турнир давомида «А», «В» ва «С» гуруҳларида 50, 100, 200 ва 400 метрга эркин усулда, 200 ва 400 метрга комплекс, 50, 100 ва 200 метрга чалқанча, 50, 100 ва 200 метрга баттерфляй усулида, 50, 100 ва 200 метрга брасс усулида сузиш, шунингдек, 4x100

метрга комбинацияланган микс эстафетаси, 4x100 метрга эркин усулдаги микс эстафетаси, 4x100 метрга эркин усулдаги эстафета, 4x100 метрга комбинацияланган эстафета каби йўналишларда беллашувлар ўтказилмоқда.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон Aquatics федерацияси раҳбари Қудратилла Рафиқов иштирок этиб, бугунги кунда мамлакатимизда спортчиларнинг халқаро таж-



рибаларини ошириш, уларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш, юқори малака ва тажрибага эга мураббийлар таркибини шакллантириш, хусусан, сув спорти соҳасида етакчи давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш йўналишларида қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мусобақанинг илк кунда ҳамюртимиз Анастасия Зеленская 400 метрга комплекс сузиш бўйича маррага биринчи бўлиб етиб келиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди.

– Голиблик – ёқимли туйғу, айниқса, Ватанимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганида мен ўз миссиямни бажардим, деб уйлайман. Мана шундай имкониятларни биз ёшларга яратиб бераёт-

ган юртимга, Президентимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди Анастасия Зеленская.

Хорижлик меҳмонлар ҳам мусобақа жуда юқори савияда ташкил этилганини, спортчилар, мураббийлар, хакамлар ва бошқа мутахассислар учун барча шарт-шароитлар яратилганини, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг сув спорти саройи эса энг нуфузли мусобақалар ўтказиладиган, халқаро талабларга тўла жавоб берадиган иншоот эканини таъкидлашмоқда.

Сузиш бўйича I Марказий Осиё очик чемпионати бүгун ўз якунига етади.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Aquatics федерацияси ҳамкорлигида 15–17 май кунлари мамлакатимизда илк бор ёшлар ўртасида биринчи Халқаро синхрон сузиш мусобақаси бўлиб ўтди.

«ЮРТИНГИЗГА ЯНА КЕЛАМИЗ!»

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Ўзбекистон касба уюшмаларининг Сув спорти саройида ташкил этилган чемпионатда Россия, БАА, Беларусь, Болгария, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва бошқа 10 га яқин давлатлардан 200 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этди. Мамлакатимизга ташриф уларда катта таассурот қолдирди. Буни спортчиларнинг юз-кўзларидаги мамнунликдан англаш мумкин эди.


– Бизни илиқ кутиб олишди, – дейди қозғистонлик 13 ёшли Альмира Баймаханова. – Менга юртингиз ва биз жойлашган меҳмонхона жуда ёқди. Мусобақалар юқори савияда ўтказилди. Ташкилотчиларга катта раҳмат. Ўзбекистонга яна келаман, албатта.

– Бу чемпионат бизга, болаларга кўп хотиралар, дўстлик ва

бир олам қувонч берди, – дейди тренер Айнур Керей. – Ажойиб сафарларимиздан бири бўлган Тошкент саёҳати ёдимизда бир умр қолади. Касба уюшмалари меҳмонхонасидаги шарт-шароитлар, мезбонлик учун Касба уюшмалари Федерацияси раисига, барча фаолларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Биз ҳамроҳлик қилган Қозғистон Республикасининг 2-синхрон сузиш гуруҳи ўз йўналишларида олтин, кумуш ва бронза медаллар билан юртиларига қайтишди.

Аҳмед АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Аеросоаноат мажмуи ходими
касба уюшмаси
Республика кенашининг
ташкिलий ишлар
масалалари бўйича бош
мутахассиси



«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ДАН МИННАТДОРМАН

Боёвут туманидаги «Марказ» маҳалласида яшайман. Оилада тўққиз кишимиз. Икки фарзандим бор. Ота ҳовлимизда турганим билан рўзғорим бошқа. «Аёллар дафтари» рўйхати киритилганман. Маҳалламизда эҳтиёжмандларга ёрдам беришни савоб, деб биладиган яхши инсонлар жуда кўп.

Ана шундай кўли очик маҳалладошларимдан бири Назирхон Қиличев ўзига тегишли дўконни менга берди. «Бирор иш оч, фойдалан!» деди. У ерда «Раунет» очиб, ишлаб бошладим.

Тирикчилигим алоҳида бўлгани учун сунутирилган газ баллони ҳамда пластик карта ажратишларини сўраб «Боёвуттумангаз» бўлимига мурожаат қилдим. У ердигилар «Ун киши ва ундан ортиқ оила аъзоси борлар учун ажратилади», деб жавоб беришди. Ноумид қайтаётганимда таниш оламни учратиб қолдим. Ташвишимни билгач, 1211 рақамли «Ишонч телефони» бор, мурожаат қилиб кўринг», деб қолди.

Масъуллар билан боғландим. Ортиқча оворагарчиликка ҳожат қолмади. Мушкулум осон ҳал бўлди. Биз каби аёлларга чин кўнгилдан ёрдам қилаётган барча яхшиларга миннатдорчилик билдираман.

Муниса ҒУЛОМОВА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ – СТРАТЕГИК ШЕРИК

Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, етакчилар ҳузурида қабул қилинган қатор ҳужжатлар ва идораларо ҳужжатлар, жумладан, Экстрадиция тўғрисидаги шартнома, Иқлим ўзгариши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, табиий офатларни бошқариш, илм-фан ва инновациялар, тинч атом соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идораларо келишувлар алмашилди.

president.uz

АЗИЗ САНЖАР АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОВРИНДОРИ

Будапештдаги Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида «Туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун» Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Бу йил ушбу мукофотга таниқли турк биокимеғари, Нобель мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университетини фахрий доктори Азиз Санжар сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Азиз Санжарни самимий табриқлаб, нуфузли мукофотнинг илм-фан арбобига топширилиши туркий дунё олимлари, жумладан, ёшларни янги марраларни забт этишга илҳомлантиришини алоҳида таъкидлади.

president.uz



ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МУНОСИБЛИК ҲАМ МАСЪУЛИЯТ ДИР

Маълумки, март-апрель ойларида мамлакатимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларда касба уюшмалари ташкилотлари хисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари бўлиб ўтди. Хусусан, Қашқадарё вилоятидаги 3027 та бошланғич ташкилотда ҳам бу муҳим жараён уюшқоқлик билан ташкил этилди. Сўнгги натижаларга кўра, раисларнинг 2771 нафарини олий маълумотли, 1320 нафарини хотин-қизлар, 267 нафарини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этди. 556 нафари биринчи марта ушбу лавозимга сайланди.

Айни пайтда эса тармоқлар касба уюшмалари вилоят кенгашлари ва уларнинг туман-шаҳар бўлиналарида хисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашининг хисобот-сайлов конференцияси ҳам белгиланган тартиб-қоидалар асосида ўтказилди. Бугунги кунда кенгаш таркибида 38 та касба уюш-

маси кўмитаси мавжуд бўлиб, аъзолар сони 21 минг 169 нафарни ташкил этади.

Муқобиллик асосида ўтказилган конференцияда 33 нафар делегатдан 29 нафари қатнашди. Раислик учун икки нафар номзод кўрсатилди. Ўтган беш йил давомида раислик қилиб келган Акбар Юсуповга сайловчилар яна бир бор ишонч билдиришди.

– Тизимдаги иш берувчилар ва касба уюшмалари кў-

миталарининг ижтимоий шериклигида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилди, – дейди Акбар Юсупов. – Ишчилар махсус кийим, ҳимоя воситалари, совун, чой, қатиқ махсуслотлари билан мунтазам равишда таъминлаб келинди. Корхоналарда барча цех ва бўлимлардаги кийиниш ва ювиниш хоналари замонавий ҳолатга келтирилди, вилоят тармоқ касба уюшмаси тизимидаги ҳамма корхона ва ташкилотларда ишлайдиган ходимлар учун уларнинг оила аъзолари учун 2021 йил 19 март куни «UNG MEDLINE» клиникаси ишга туширилди. Унда 65 ўринли терапия, кардиология, неврология, гинекология, жарроҳлик бўлимлари ҳамда 150 қатновлик поликлиника, замонавий лаборатория

мавжуд. Қолаверса, хисобот даврида 140 нафарга яқин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари вилоят кенгаши тўмонидан соғломлаштирилди. Вилоятнинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларда ходимларнинг 47120 нафар фарзанди хордик чиқаришди.

Шунингдек, тармоқ тизимидаги корхоналарда амалда бўлган жамоа шартномаларига асосан ишчи-хизматчилар «Тошкент денгизи», «Мингчир» каби санаторийларда ва «UNG Medline» тиббиёт клиникасида имтиёзли соғломлаштириб борилмоқда.

Тармоқ касба уюшмаларининг туман-шаҳар ташкилотлари хисобот-сайлов конференциялари ҳам юқори савияда ташкил этилмоқда. Хусусан, Агросоаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қашаши тумани ташкилоти-

нинг хисобот-сайлов конференциясида 50 нафар делегатдан 45 нафари қатнашди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Нортожи Қосимов яна беш йил раисликни давом эттирадиган бўлди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Деҳқонобод тумани, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Қасби тумани ташкилотлари конференцияларида ҳам ўтган беш йил давомида туман кенгашларида амалга оширилган ишлар тўғрисида соғломлаштириб борилмоқда, деб баҳоланди. Ҳар иккисиди ҳам амалдаги раисларга қайта ишонч билдирилди.

Хисобот-сайлов конференциялари давом этмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

■ 1211 ЭШИТАДИ

Касаба уюшмаларининг хотин-қизлар муаммолари билан ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони» жаранги бир зум ҳам тинмайди. Хуқуқларини тобора чуқурроқ англаб етаётган аёллар ўзларини ўйлантираётган масалаларни шу даргоҳдагилар билан ўртоқлашяпти. Ҳатто олис қишлоқлардаги хотин-қизлар ҳам «1211» билан сирлашадиган бўлдилар.

ЎЛФОННИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Галдаги мурожаат Қўшработ тумани, Қуруқсой қишлоғидан. Қақраб ётган ҳудудда на иш, на бир тирикчилик учун восита бор. Матлуба Холдорова ўша қишлоқда яшайди. Моддий аҳволи яхшимас. Иш топишдан умидвор.

Касаба уюшмалари бу мурожаатни бандликка кўмаклашишга масъул идораларга йўллаб, қонун доирасида ўрганишларини сўради. Туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими муносабатини кўп қўтишга тўғри келмади. Унда баён этилишича, Матлуба Холдорова «Azia metal proff» МЧЖга ҳамда «Suv oqav» МЧЖда ишлашга, шунингдек, касб-хунарга ўқитиш марказининг барча йўналишларида ўқишга тақлиф қилинган. Пировардида у «Total oil» МЧЖда иш бошлаган.

Кўнгли кемтик аёлнинг муаммоси ечим топганидан ким ҳам мамнун бўлмайди, дейсиз? Аммо касаба уюшмаларида шаклланган аънаёна содиқ қолдик. «Ишон, аммо текшириб кўр», деганларидек, мурожаатчи билан алоқа чикдик.

— Анча йилдан бери ижарада яшаб, Тошкентдаги «Total oil» МЧЖда супуриш-сидириш ишлари билан шуғулланман, — деди Матлуба Холдорова. — Бўш вақтларимда турли юмушларни бажараяпман. Оилавий шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, давлат томонидан қишлоғимизда бепул уй қуриб берилганди. Шу уйда ҳузур-халоватда яшашимизга ишнинг йўқлиги имкон бермапти. Қолаверса, менга Қўшработдан ҳеч қанақа иш тақлиф қилингани йўқ.

Энг қизиғи, туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи З. Жуманов имзолаган хатда

(агар рост бўлса) Матлуба Холдорова нафақат ишга, балки касб-хунарга ўқитиш марказида барча йўналишларда ўқишга тақлиф этилгани ҳам ишонарсиз эди... Нега десангиз, 55 ёш бўсағасида, пенсия тараддуидидаги аёл... Сал ошириб юборилмаганикин?..

Турмушдан рўшнолик кўрмаган Гузал Ҳасанова эса турмуш ўртоғи, ички ишлар тизимида ишловчи Жаҳонгир Абдуфаттоев расман ажрашмасдан туриб, бошқа аёлга уйланиб кетганидан ёзгради. Энг ачинарлиси, муштипар аёл айни чоғда Самарқанд тумани, «Раванак» МФЙдаги участка ноэри учун қурилган уйда уч фарзанди билан қолиб кетганини баён этган. У фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ тумани судининг алимент ундириш тўғрисидаги қарори ижроси мукамал таъминланмаётганидан норози.

— Касаба уюшмаларида раҳмат. Улар кўмакда алимент тўловларидаги қарздорлик қисман бартараф этилди, — дейди Гузал Ҳасанова. — Аммо ҳамон 8 миллион сўмдан ортиқ қарздорлиги бор. Боз устига, фарзандларини чирқиратиб кўчада қолдирган отанинг ички ишлар тизимида ишлашга маънавий ҳақи бормикан?

Уч нафар фарзанди билан уй-жойсиз қолган аёлга осон тутиб бўлмайди. Мурасасизлик жабрини гўдақлар тортиаяпти. Бири олти, иккинчиси беш ёш, учинчиси энди ўн бир ойлик бу мурғакларда нима айб? Алимент тўлашдан қочаётган масъул лавозимдаги ота масаланинг шу жиҳатларини, нахотки, ўйлаб кўрмаётган бўлса?.. У ишлаётган тизим мутақаддилари бу масалага қандай қараркинлар?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ҳаётнинг баланд-пастини, аччиқ-чучугини кўрган кексаларнинг ҳар бири дорилфунун, бир ҳикмат. Уларнинг тажрибаси, йўл-йўриғига суюнган одам қоқилмайди. Президентимизнинг «Агарки мендан дунёдаги энг бахтли оила қайси, деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмасдан кексалари бош бўлиб, иззат-ҳурматда ҳаёт кечираётган оила деб жавоб берган бўлардим», деган сўзлари бор.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Мамлакатимизда кекса авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳаётий тажрибалари ёшлар тарбиясида, оилаларни мустаҳкамлашда кўл келяпти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фахрийлар Кенгаши раиси Аҳмад Миржалилов Сирдарё вилояти касаба тизимида ишлаб кетган бир гуруҳ фахрийлар билан бўлган учрашувда шулар ҳақида гапирди. Ўз ўрнида вилоят Фахрийлар кенгаши раиси Қаршибой Эшназаров кексаларни эъзо-

злаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш, мудом қўллаб-қувватлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

Фахрийлар номидан сўз олган Ҳайдарали Қиличев, Абдували Жамолов ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов тизим фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар, меҳнат жамоаларида «Уч авлод учрашуви» лойиҳаси доирасида ёшлар билан ўтказилаётган тадбирлар, соҳа раҳбарлари ўртасида кекса

■ ЭЪТИБОР



авлод учрашувлари қизгин тус олаётганини таъкидлади.

Сўхбат чоғида фахрийлар билан ишлашни янада яхшилаш, концертлар, саёҳатларга олиб бориш, хонадонларига ташриф буюриб, ҳол-аҳволларидан хабар олиш масалалари юзасидан тақлифлар билдирилди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

■ ФАОЛИЯТ

Касаба уюшма аъзолари манфаатини кўзлаб, уларга ҳар томонлама кўмакдош бўлиб келаётган Манзураҳон Акрамова чин маънода жонкуяр етакчи деса, бўлади. Унинг ҳар бир иш кўни ишчи-ҳодимларни қўйиб қўйган муаммоларни эшитиш ва ҳал этиш билан ўтади.



У ЎЗИНИ АЪЗОЛАР ХИЗМАТЧИСИ ДЕБ БИЛАДИ

ватланмоқда. Ўтган йили ҳам 37 нафар ана шундай оила вакилларига моддий кўмак кўрсатилди. Яна 12 нафар хотин-қиз «Хонобод» санаторийсида йўлланма асосида соғломлаштирилди.

Ҳар сафар янги ўқув йили бошланиши арафасида кам таъминланган, кўп болали, «Аёллар дафтари»га киритилган ҳодимлар фарзандларига мактаб ўқув қуроллари совға қилиш аънаёна айланган. Ўтган йили тизимда меҳнат қилаётган бир ярим минг нафардан ортиқ ҳодимларнинг тарихий қадамжолар ва дам олиш масканларига саёҳати ташкил этилди. Яқинда вилоят мусиқали драма театри жамоасининг 8 нафар ходими ҳам касаба уюшмаси ҳисобидан Хива шаҳрига саёҳатга юборилди.

Инсон қадр-қиммати

ҳар доим биринчи ўринда туради. Жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали ходими Моҳинур Раҳмонова намунали ҳодимлардан бири. Қўмита томонидан унга «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма берилиши қутилмаган совға бўлди.

— Касаба уюшма ҳар доим яқин кўмакчимиз бўлиб келган, — дейди Моҳинур Раҳмонова. — Барча шароитлар яратилган сизатгоҳда даволаниб қайтдим. Аъзолари ҳақида қайғурадиган ташкилот бор экан, биз доим ўзимизни хотиржам ҳис этамиз.

Шижоатда гап кўп. Иш берувчилар билан музокаралар олиб борилиши натижасида ўтган йили тармоқ касаба уюшмасида бошланғич касаба уюшма кўмиталари сони 39 тага кўпайиб, 1 минг

467 нафар ҳодим ҳимояга олинди.

Меҳнат қилган инсон кам бўлмайди. Ўтган йили кўмита раисининг касаба уюшмалари куни байрами арафасида меҳнатлари юксак баҳоланиб, «Эхтиром» нишони билан мукофотланди. Бу унинг касаба уюшмалари раванқиға қўшаётган ҳиссаси, нуфузли ташкилот обрўсини янада юксалтириш йўлида олиб бораётган ишлари мевасидир.

Кези келганда айтиб ўтиш керакики, Манзураҳон Акрамова ўзини кўмита раиси эмас, бир сафда бирлашган тармоқ аъзоларининг хизматчиси, деб билади. Шунинг учун унинг доимо аъзолар манфаати йўлида елиб-югуриб юрганига гувоҳ бўласиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

■ ОРОМҒОҲ — 2025

«ПЕШКУ» МАВСУМГА ШАЙ

Ҳадемай дам олиш мавсуми бошланади. Уни кўнгиладигдек ўтказиш учун оромгоҳларда тайёргалик ишлари бошлаб юборилди. Мазкур йўналишдаги ишларни тартибга солишда Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфида Болаларнинг дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил қилинди. Айни пайтда департамент қошида Бухоро вилоятида туртта оромгоҳ фаолият юритмоқда. «Пешку» болалар оромгоҳи шулардан бири.

Сўлим ва очик табиат қўйнида жойлашган бу дам олиш маскани 130 ўринга мўлжалланган. Яшилликка бурканган боғ, шинам дам олиш ва оқватлиниш хоналари, қизиқарли адабиётлар ва газета-журналларга тўла кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари болажонлар хизматида. Сервис хизмати ҳам шунга яраша. Айниқса, дам олувчилар спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шашка, шахмат, футбол, эркин кураш, волейбол, енгил атлетика, гимнастика, стол тенниси, кубик-рубик йиғиш тўғрисидаги йўлга қўйилган.

Мухтасар айтганда, «Пешку» болалар оромгоҳи бу йилги мавсумни мароқли ўтказиш, болажонларга қувонч ва шодлик улашиш учун тайёр.

Гулруҳ ҲАЙДАРОВА,
«Пешку» болалар
соғломлаштириш оромгоҳи
директори

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Халқ банкининг Оҳангарон филиалида қарийб 25 йил ишлаган А.Убайдуллаев қисқартириш баҳонасида вазифасидан озод этилди.

— Бошқаларга ҳам штатлар қисқариши бўйича оғохлантириш хатлари берилди, — дейди А.Убайдуллаев. — Аммо улар билан май ойдан қайта меҳнат шартномаси тузилди. Мендан эса ўз ихтиёрим билан ариза ёзиб, ишдан бўшашимни сўрашди. Табиийки, бундан бош тортидим. Лекин икки ой ўтиб, иш берувчи шартномани бекор қилди. На 25 йиллик меҳнатим, на ёшимни ҳурмат қилишди... Ваҳоланки, штат қисқаришида кўп йиллик меҳнат стажига эга ҳодимларга имкон берилиши керак.



А.Убайдуллаев тегишли идораларга йўлланган мурожаатидан наф чиқмагач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашидан ёрдам сўради.

Маълум бўлишича, ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги тақдимнома юзасидан муҳокама йилиши ўтказилмаган. Ҳодим бошқа иш билан таъминланиши бўйича қонунда белгиланган имтиёзлардан ҳам фойдаланмаган.

Камчиликлар юзасидан иш берувчига бир неча марта оғзаки кўрсатма бердик. Лекин

фойдаси бўлмади. Шундан сўнг судга даъво-ариза киритдик. Ниҳоят, адолат қарор топди. А.Убайдуллаев ўз лавозимига тикланди. Шунингдек, бекор юрган қунари учун иш берувчидан унинг фойдасига 50 миллион сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди.

Машраб МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Тошкент вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

■ КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

Меҳнат кодексининг 569-моддаси талабига кўра, ишдан ноқонуний бўшатилган ходимни аввалги лавозимига тиклаш ҳақида чиқарилган суд қарори дарҳол ижро этилиши лозим. Агар иш берувчи бу талабни ўз вақтида бажармаса, ҳар бир вақт учун ўртача иш ҳақи ёки ундаги фарқи тўлашга мажбур.

ДАЪВО-АРИЗА ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг етакчи мутахассиси Фарҳод Чоршанбиев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига айнан шу масала юзасидан мурожаат йўллади. Қайд этилишича, у 2017 йилдан буён вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ИКда ишлаб келган. 2024 йилда иш берувчи у билан тузилган шартномани Меҳнат кодексининг 161-моддаси, 2-қисми, 2-бандига мувофиқ бекор қилган. Ҳодим ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун суддан нажот кутган. Суд унинг фойдасига қарор чиқарган. Аммо орадан салкам олти ой ўтса-да, иш берувчи қарорни бажармаган.

Пировардида шикоятчининг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига киритган даъво-ариза-миз қаноатлантирилди. Унга кўра, қорхонадан Ф.Чоршанбиев фойдасига 55 миллион 980 минг 195 сўм ойлик иш ҳақи, ойлик маоши кечиктирилган давр учун 82 миллион 661 минг 519 сўм ҳамда 2 миллион сўм маънавий зарар, жами 140 миллион 641 минг 714 сўм маблағ ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерациясининг
Сурхондарё вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ
инспектори

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ



ҚОҒОЗДА 65000 сўм, амалда эса... Эҳуд расмий баёнотлар ҳақиқатни акс эттиряптими?

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги яқинда берган маълумотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг гўшт энг арзон давлатлари қаторига кирди ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ичида Қирғизистондан кейин иккинчи ўринда туради.

Гўшт нархи нисбатан барқарор сақланиб, арзонлаштирилган расталарда 1 кг. мол ва қўй гўшти ўртача 65-75, савдо расталарида – 90-95 ҳамда супермаркетларда 95-100 минг сўмдан сотилапти.

Марказий банк таҳлилларига назар ташласангиз, бунинг аксига гувоҳ бўласиз. Хусусан, инфляция 0,1 фоизга ошиб, 14,4 фоизни ташкил қилган. Айниқса, Тошкент шаҳрида инфляция юқори бўлиб, 18,2 фоизга етган. Юқори суръатларда ўсган товар ва хизматлар рўйхатининг бошида эса гўшт маҳсулотлари турибди.

Шунингдек, рўйхатдаги 19 та товар ва хизматдан 13 тасида нархлар кескин кўтарилган. Электр ва табиий газ, бензин ва ёнилғи, мева-сабзавотлар, ўсимлик ёғи ва дори-дармонлар шулар жумласидан.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Марказий банк таҳлиллари бир-биридан тубдан фарқ қиляпти. Демак, қайсидир идора ёлгон баёнот берапти.

Умуман олганда, арзонлаштирилган ярмаркалардаги гўшт расталарига 65 минг сўм нарх ёпиштирилганига уч-тўрт йилдан ошди. Бу орада ҳамма нарсанинг баҳоми каррасига ошиб улгурди. Шундай экан, 65 минг сўмга гўшт қолдимиз? Бор бўлса, у қандай гўшт? Нега бунча арзон?

«Эски жува», «Олой», «Юнусобод» ва бошқа деҳқон бозорларидан мана шундай ҳолатларга жавоб изладик.

Ҳақиқатан ҳам, махсус расталарда Покистондан келтирилган гўштни 65 минг сўмдан сотишмоқда. Аммо у музлатилган, сифати ҳам шунга яраша. Масалан, «Олой» деҳқон бозорида бунақа нархга гўшт йўқ. «Эски жува»да бор. Фақат уни эрталабчи соат 5-6 дан 9 гача топши мумкин. «Юнусобод» деҳқон бозорида ҳам шундай гўшт бор, лекин харидори кам. Бошқа бозорларда 65 минг сўмлик гўштни кўзимиз тушмади.

– Оғайни, бу гўшт 75 минг сўм, – дея эътироз билдирди 65 минг сўм деб ёзилган пештахта ортида турган сотувчи зарда билан. – Бу бозорга келадиган махсус комиссия учун қўйилган нарх. Бунақа нархга гўшт йўқлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку! Агар сизга 65 минг сўмлик гўшт керак бўлса, бозор бошига боринг. Уша жойдан топилганига умим.

Вазирлик айтган арзонлаштирилган расталарнинг айримларида шундай ҳолатларга гувоҳ бўлдик. Улар Покистондан келтирилган гўштни 70-75 минг сўм атрофида сотишмоқда.

Қисқиси, айни пайтда бозорларда Покистоннинг музлатилган гўшти 65-75 минг (ҳаммасида ҳам эмас) сўм, Беларусдан келтирилган 125 минг сўм, ўзимизда етиштирилаётган қорамоллар гўшти эса 125 минг сўмдан 150 минг сўмгача сотилапти.

– 65 минг сўмлик гўштни асосан, чойхона, ошхона ва турли тамаддиҳоналар олишмоқда, – дейди сотувчи аёл биз билан суҳбатда. – Чунки унинг мазаси ўзимизнинг гўшtdан анча фарқ қилади. Биз ҳам бошида истеъмол қилиб кўрдик, сифати анча паст. Қўриб турибсиз, музлатилган, унча-мунча харидорнинг эътиборини тортмайди. Лекин йўқдан кўра бори яхши-да!

Хуллас, бозорлардан 65 минг сўмга лаҳм, сифатли гўшт излаш бефойда. Шундай экан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кимни алдаётми? Қуруқ ҳисобот учун қилинган таҳлиллардан нима наф? Нарх-наво осмонга қараб ўрмалаётганини, 500-600 минг сўмга бозорхалта тўлмаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди-ку! Демак, ёлгон маълумотлар билан омиш туришмоқда, кулгига қўлишда ҳеч қандай мантқ йўқ, назаримизда.

Вазирликнинг иддаоларига кўра, бозорларимизни ўзимизда етиштирилган гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда 95-100 фоизлик марафни забт этганмиз. Нега унда унинг нархи ошиб кетмоқда? Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

– Кўпчилик гўштининг нархи ошиб кетишида бизни айблашади, – дейди «Паркент» деҳқон бозорида савдо қилувчи қасосб. – Лекин бунақа айбдор биз эмасмиз. Ҳозир сўйлаётган молларнинг бир килограмми гўшти ўзимизга 98-100 минг сўмга тушяпти. Унга қўшиб сотмасак, бозорда утиришимизнинг ҳолати йўқ.

– Кўп йилдан буён уйда мол боқаман, – дейди Ахрор Абдуллаев. – Унинг қанчалик машаққатли эканини яхши биламан. Айниқса, ҳозир бу иш осон эмас. Яйловлар йўқолиб кетди. Ем-хашак қиммат. Битта молни смиртириб сўйиш учун камида 5-6 ой вақт кетади. Бир ўйлаб кўринг, битта молни етиштириш учун қанча озуқа керак? Масалан, битта бўрдоқни мол бир кунда 3 килограмм кепак, 3 килограмм кунжара, бир қоп силос, бир боғлам пресланган пичан ёйди, дейлик. Ҳозир кепак 3 минг сўм, кунжара 7 минг сўм, бир қоп силос 25 минг сўм, бедапичан эса 20 минг сўм. Бир кунда 70 минг сўм атрофида харажат кетяпти. Ана энди ойлик харажатни ўзингиз чамалаб олаверинг. Бизда энг катта муаммо ем-хашак билан боғлиқ. Етишмовчилик бор. Масалан, кунжарани четдан ҳамма ҳам импорт қилмайди. Бу имконият маълум доирадаги одамларга берилган, холос.

Яна бир қизиқ ҳолат: Юртимизга Қозғистондан келтирилаётган бўғдой ўзимизда етиштирилганидан арзон. Лекин уни ҳамма ҳам олиб келолмайди. Назаримда, ем-хашак монополиясига барҳам бермасак, нарх-наво хали-бери муътадиллашмайди.

Демак, фермер ёки қасосбга босим ўтказилавергани билан масаланинг ечими топилапти. Муаммони ечиш учун ем-озуқа нархларини туширишга, уларни «биринчи қўлда» сотадиган шохобчаларни кўпайтиришга асосий эътибор қаратиш, яйловларни кенгайтириш лозим.

МУТАХАССИСЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг фикрига кўра, гўшт нархи икки ҳолатда ошади: тақчиллик ёки гўштининг таннархи кўтарилганда.

Тўғри, бугун бозорларда тақчиллик кузатилаётгани йўқ. Гўшт ишлаб чиқариш ҳозирча талабни тўлиқ таъминлапти.

Аммо, Худо кўрсатмасин, мамлакатда фавқулодда вазият юзага келса (масалан, экспорт йўллари ёпилса ёки ем етишмаслиги бўлса), Қишлоқ хўжалиги вазирлигида стратегик захира, фавқулодда ҳаракат режаси йўқ. Вазирлик доимий равишда бозорда мониторинг ўтказиш, хусусий сектор билан ҳамкорликда нархни барқарорлаштириш механизми жорий этиши лозим. Шахсан бозорга тушиб, расталарга ёпиштирилган нархларни эмас, амалдаги реал савдо ҳолатини ўрганиши керак.

Статистикага кўра, гўшт ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Қозғистон ва Қирғизистондан орқада қолмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг 2023 йилдаги ҳисоботида қайд этилишича, Қозғистонда киши бошига гўшт ишлаб чиқариш ҳажми йилга 73 кг. бўлса, Қирғизистонда бу кўрсаткич 58 кг., Ўзбекистонда эса 49 кг.га тўғри келаётган экан. Ушбу рақамлар ортида куйидаги муаммолар ётибди:

Ем-хашак базасининг етишмаслиги: қишлоқ хўжалиги ерларининг катта қисмига галла ва пахта экилади. Ем-хашак экиладиган ерларнинг қисқариши чорвачилик ривожига тўсик бўлмоқда.

Қайта ишлаш инфратузилмаси заифлиги: фермерлар учун молиялаштириш ва сугурта механизми амалда йўқ.

Соха мутахассисларининг фикрига кўра, гўштни арзонлаштириш биринчи навбатда, иқтисодий-молиявий ислохотлар самарадорлигига боғлиқ. Хусусан, гўшт нархининг ички истеъмолдаги барқарорлигини сақлаб қолиш учун ҳоржий давлатларда турли имтиёзлар берилади. Масалан, Қозғистонда гўштининг таннархини пасайтириш мақсадида давлат томонидан қорамолнинг 1 килограмм тирик вазни учун 5 минг 296 сўм (200 тенге), қайта ишлашга мўлжалланган 1 килограмм гўшт учун 4 минг 615 сўм (175 тенге) субсидия берилади. Шунингдек, гўштва боқиладиган дағи маҳаллий 1 бош наслдор буқа сотиб олиш учун давлат томонидан 4 миллион сўм (150 минг тенге), МДҲ давлатларидан олиб келинган 1 бош ситгира 6 миллион сўм (225 минг тенге), Австралия, Шимолий ва Жанубий Америка, Европа давлатларидан импорт қилинган 1 бош наслли ситгира 8 миллион сўм (300 минг тенге) субсидия ажратилади.

Эронда чорвачилик давлат томонидан тақдим этиладиган бегараз молиявий кўмаклар ҳисобига қўллаб-қувватланади. Масалан, 2024 йилда чорвачилик секторини қувватлаш учун 20 миллиард доллар бегараз сармоа ажратилган. Ҳар йили фермерларга 10 миллиард долларга яқин маблағ чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш учун тақсимланади. Бундан ташқари, чорва касалликларининг олдини олиш ва ҳайвонлар соғлигини таъминлашга йилга 500 миллион доллардан 1 миллиард долларгача маблағ йўналтирилади. Давлат томонидан ҳар йили чорвачилик соҳасида замонавий техникаларни харид қилиш учун 2 миллиард доллар ажратилади. Фермерларнинг малакасини ошириш, янги усул ва технологияларни жорий қилиш учун таълим ва тренинглар ташкил қилиш мақсадида 100 миллион доллар сарфланади.

Франция ҳукумати чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор молиявий ёрдам ва субсидиялар дастурларини амалга оширмоқда. Хусусан, чорвачилик билан шуғулланадиган фермерларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили 250 миллион еврогача маблағ ажратилади.

Бизда эса бунинг акси. Масалан, фермерларнинг айтишича, сотилган гўшт учун ишлаб чиқарувчиларга берилаётган давлат субсидиялари 2024 йил 1 январдан бекор қилинган.

Иккинчидан, гўштни (мол ва қўй гўшти) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек, импортда қўшилган қиймат солиғи жорий этилган.

Учинчидан, статистик ҳисоботларга кўра, 2025 йилнинг март ойида гўшт ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, ем-озуқа, электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари нархлари кескин ошди. Масалан, 2024 йилнинг декабрь ойидаги қийматга со-

лиштирилганда, бугунги кунда шрот нархи 3 минг сўмдан 7 минг сўмга, шелуха 2 минг 800 сўмдан 4 минг сўмга, омихта ем 2 минг 900 сўмдан 3 минг 700 сўмга, бўғдой 2 минг сўмдан 3 минг сўмга, макка силоси 500 сўмдан 900-1000 сўмга, сомон 15 минг сўмдан 25 минг сўмга, бедапичан 25 минг сўмдан 45 минг сўмга кўтарилди.

Республикада мавжуд қорамолларни тула қийматли озиклантириш учун 3,2 миллион гектар сугориладиган экин ери талаб этилса, барча тоифа хўжалиқлардаги 470 минг гектар экин ери талабнинг атиги 14,7 фоизга таъминлайди.

Шунингдек, ҳозир қорамолчилик хўжалиқларига озуқа-китобларга кўра, йирик минг бош қорамол ва 800 минг бош парранда боқиш қувватидаги саноат лойиҳаси учун ўртача 10 миллион доллар маблағ талаб этилиб, кредитларни қайтаришга камида 12 йил вақт талаб этилади. Бундан ташқари, паррандачилик хўжалиқларига кредитлар 2 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 14-18 фоиз ставкада берилиши таннархнинг ошиб кетишига, айланма маблағлар етишмаслигига ва кредитларни қайтарилганда муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, қачонки чорвачилик ва унинг тармоқларида юқоридаги муаммолар бартафат этилса, гўшт нархининг барқарорлиги таъминланади. Акс ҳолда, бундан умид қилмасак ҳам бўлади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРМИ?

«Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида» йиғини қонунда белгиланган вазифаларни амалиётга таъбиқ этишда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ваколат ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, тегишли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги юзага келган тақдирда тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва уларни ҳукуматга киритиш, озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш, соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўлғаш ва таҳлил қилиш, бозорни барқарорлаштиришга, нарх-наво ўзгарувчанлиги, шунингдек, уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, келгуси йил учун ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсига бўлган эҳтиёжнинг проноз хажмларини ишлаб чиқади, уларнинг баҳарлилиги юзасидан чора-тадбирлар кўриш, давлат захирасини ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини ташкил этиш механизмидаги тақомиллаштириш, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бўйича тақлифлар бериш, келгуси йил учун озиқ-овқат балансини ишлаб чиқиш ва ҳукуматга тақдим этиш кабилар шулар жумласидан.

Вазирлик, шунингдек, табиий офатлар, уруш, экспорт чекловлари ёки эпидемиялар шароитида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича махсус резервлар тузиши, етказиб бериш тизимини ишлаб чиқиш керак. Мутасаддилар қонун ижросини таъминлаш учун зиммасидаги вазифаларга балки алаҳқачон энг шимариб киришгандир. Лекин ҳозирча бу борада улардан бирон-бир хабар эшитмадик, саъй-ҳаракат кўрмадик.

Таҳлилларга кўра, 2020 йил – COVID пандемиясида гўшт нархи 30 фоизга қимматлашган. Россия – Украина уруши ортидан 2022 йилда озиқ-овқат нархлари яна бир марта кескин ошди. 2024 йил ёзидаги қурғоқчилик чорвачилик базасини қаттиқ зарбага учратди. Қўриқчи, ҳар учала ҳолатда ҳам Қишлоқ хўжалиги вазирлиги стратегик интвенцияга қодир эмас. Қолаверса, ўтган йили тарвузнинг арзон бўлиб кетиши, ундан олдин пивё билан шу ҳолат рўй бериши, бу йил эса, картошанинг нархи кескин ошиб кетиши фониде кўрпимизки, озиқ-овқат маҳсулотлари борасида вазирликнинг аниқ хулосалари, режа ва таҳлиллари йўқ. Ҳўш, олдинда турган муаммолар ҳақида дўппини бошдан олиб, бош қотириш фурсати келмадими? Бозорнинг бугунги аҳолига шунчаки томошабин бўлиб ўтирадиган пайтми ҳозир? Вазирликда бу борада астойдил бош қотирадиган, миришкор деҳқонларга қайишадиган мутасадди борми? Айниқса, сўз бораётган гўшт билан боғлиқ муаммолар жиддий масала. Шундай экан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қачон харакатга тушади?

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

ОЛАМДА

БУГУН

«Олтин гумбаз» учун 175 миллиард доллар

АҚШ маъмурияти «Олтин гумбаз» (Golden Dome) деб номланган янги ракеталарга қарши мудофаа тизимини яратиш учун тахминан 175 миллиард доллар ажратишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда президент Дональд Трамп Пентагон раҳбари Пит Хегсет билан учрашув чоғида маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, ракеталарга қарши янги тизим АҚШнинг мавжуд мудофаа элементлари билан интеграциялашади ва унинг президентлик мuddати тугашидан аввал ишга туширилади.

Эрон ядровий инфратузилмаси хавф остида

Исроил Куролли Кучлари, Вашингтон ва Техрон ўртасидаги музокара-ларга қарамай, Эрон ядровий объектларига зарба бериши мумкин. Бу ҳақда «CNN» телеканали Америка ҳукумати доирасидаги манбаларга таяниб хабар берди.

Телеканал маълумотида кўра, ҳозирча Исроил ҳужуми борасида яқин қарор қабул қилингани расман тасдиқланмаган. Бироқ техникаларнинг янги жойлашуви, ҳарбий-ҳаво кучлари машқлари ва логистиканинг фаоллашуви сингари белгилар ҳужумга тайёргарлик аломати сифатида баҳолашмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳарбий куч намойиши ядровий дастур борасида ёнбосишларга эришиш учун Эронга босим ўтказиш воситаси бўлиши мумкин.

Ғазодаги фаластинликлар кўчириладими?

АҚШ бир қатор давлатларга Ғазо секторидаги фаластинликларни вақтинча қабул қилиш имконияти бўйича дастлабки сўров юборди. Бу ҳақда АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича вақтинчалик ёрдамчиси Марко Рубио Сенатнинг ташқи ишлар қўмитасидаги эшитувлари чоғида маълум қилди.

– Биз бу ҳақда бир неча давлатлар билан гаплашдик. Гап мажбурий депортация эмас, ихтиёрий ва вақтинчалик кўчириш ҳақида бормоқда, – деди Рубио.

Унинг сўзларига кўра, ушбу чора мижародан кейин Ғазо секторидаги кенг қамровли тиклаш ишлари режасининг бир қисми бўлиши мумкин.

Польша ҳарбийлари режада йўқ

Польша ўз ҳарбий хизматчиларини Украина ҳудудига юборишни режалаштирмайпти. Бу қарор қатъий ва қайта кўриб чиқилмайди. Бу ҳақда Польша Бош вазири Дональд Туск «TVP Info» телеканалдаги эфир чоғида маълум қилди.

Тускнинг таъкидлашича, Польшага бу масалада Ғарб иттифоқчилари, жумладан, АҚШ томонидан ҳеч қандай ҳақидаги миш-мишларга изоҳ бераар экан. – Германия канцлери Фридрих Мерц, Франция президенти Эммануэль Макрон ва Британия Бош вазири Кир Стармер бу масалага дарҳол жавоб қайтарган. Улар учун бу – муҳокама қилинмайдиган, узил-кесил шарт.

«Озодлик» радиосига 5,5 миллион евро

Европа Иттифоқи «Озодлик» радиоси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 5,5 миллион евро маблағ ажратади. Бу маблағ ЕИ билан чегарадоғ давлатларда, шунингдек, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёдаги лойиҳаларга йўналтирилади. Бу ҳақда ЕИ ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича раҳбари Кая Каллас ташқи ишлар вазирларининг учрашувидан сўнг матбуот анжуманида маълум қилди.

– Вазирлар «Озодлик» радиосини қисқа муддатли молиялаштириш тўғрисида келишиб олди. Кейинчалик ЕИ мамлакатлари узоқ муддатли ва барқарор молиялаш механизмининг ишлаб чиқишлари керак бўлади, – деди Каллас.

Жанговар операция кенгаймоқда

Исроил армияси Ғазо секторидаги ҳарбий операцияни кенгайтирмоқда. Бироқ гаровдаги шахсларни озод этиш бўйича келишувга эришилса, ҳаракатлар қайта кўриб чиқиши мумкин. Бу ҳақда Исроил Мудофаа кучлари (ЦАХАЛ) Бош штаби бошлиғи Зяль Замир жоғаро ҳудудда ўтказилган йиғилиш якунлари бўйича маълум қилди.

– Биз операцияни давом эттирмай, янги ҳудудлар устидан назорат ўрнатамиз, ҲАМАС инфратузилмасини йўқ қиламиз. Бу ўзини ҳимоя қилишнинг бир қисми: ҳужум энг яхши ҳимоядир, – деди Замир.

Унинг таъкидлашича, жангарилар қўлида бўлган гаровдагиларни озод қилиш ҳали ҳам ҳарбий кампаниянинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Оламғар ОТАЁРОВ тайёрлади



Хар қандай ўтиш ёки ўзгаришлар даврида муқаддам жамланган тажрибалар, маънавий мерослар қайта баҳоланади. Шу асно илмий фаразлар маълум маънода ўзгаради, маданий-ахлоқий қадриятлар янгилади, янада сайқалланади. Бир пайтлар ғоят илгор ва долзарб ҳисобланган ғоялару ширлар маънан эскиргани туфайли уларнинг ўрнини янгилари эгаллайди. Лекин бу дунёда моҳияти, мақсад ҳамда вазифалари ўзгармайдиган бир соҳа бор. Бу – касабани уюшмалари ташкилотидир. Зеро, касабакўмлар ўз фаолиятини фақат эзгулик тамойиллари асосида олиб боришади. Эзгулик эса ҳеч қачон унутилмайди. Инсон лоақал бир марта бўлса-да, ўзига кўрсатилган меҳр-муруватни, инсоний эътибор ва ғамжўрликни эсидан чиқармайди, билъанс, ҳаммаша қалб тўрида ва хотирасида сақлайди. Шу маънода айтганда, ҳар бир кишининг умр йўли ўзига хос бир тарих. Бу тарих ва хаёл кўзгусида жонланувчи хотиралар касабани уюшмалари фаолларининг кенг қамровли фаолияти ҳақида ҳам ётқир таассуротлар беради. Модомки, сўзимизни бу соҳа ходимлари фаолияти барча давр ва замонларда ҳам бир хил мазмун-моҳиятга ва йўналишга эга эканлиги тўғрисидаги фикр билан бошлаган эканмиз, келинг, яқин ўтмишда рўй берган айрим воқеалар билан танишайлик.

Биринчи воқеа. 1925 йил 2 декабрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг «Ер ва сувни национализация қилиш» ва «Ер-сув ислоҳоти тўғрисида»ги декретлари эълон қилинади. Шу муносабат билан жойларда «Кўшчи иттифоқлари»ни тузиш бошланади. Дала ишларини бундай янги, яъни иттифоқ бўлиб меҳнат қилиш усулида ташкил этишдан кўзланган мақсад бойлар ва ўрта ҳол деҳқонлардан тортиб олинган далаларни камбағал деҳқонларга бўлиб бериш эди. Амалдаги ҳоқиқат шундай бўлиб, бу янги жамоа ҳужаликлари тузишни режалаштиради. Ўтказилган ер-сув ислоҳоти давомида ер жағғармаси Тошкент, Фарғона, Самарқанд ҳамда Зарафшон вилоятларида 254,2 минг десятинага етказилди.

Ишлари гўёки партия аъзолари орасига яшириб кириб олган душманлар – савдогарлар, амир хизматчилари бор, деган баҳонада амалга оширилган. Бухоро Компартиясининг 1923 йил 2 апрелдаги кўрсатмасига асосан биргина Шеробод туманидаги 5-касба уюшмасининг 996 аъзосидан кўпчилиги сохта айбловлар билан қамқоқ олинган ва отиб ташланган.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

Учинчи воқеа. Ўтган асрнинг 30-йилларида касабани уюшма аъзоси сифатидаги фаоллиги учун турли тўқима айбловлар билан қамқоққа маҳкум этилиб, аччиқ қисматга дучор қилинган кишилар Сурхон воҳасида ҳам кўп бўлган. Улар ҳақидаги ҳужжатлар вилоят давлат архивида Паттакесар (ҳозирги Термиз) тумани ижроия қўмитасининг қишлоқ хўжалиги бўлимига тегишли фондида сақланмоқда. Бу манбаларга кўра, юқоридан келган буйруқ асосида туманининг «Янгиобод», «Иттифоқ», «Комсомол» жамоа ҳужаликларида фаразли мақсадларда текширувлар ўтказилган. Чунки Ўзбекистон ССР Адлия халқ комиссарлиги 1933 йил 4 январда жойларга «Яширинча ун тортиш, тегиримон ҳақини ўғирлаш ва растрата қилиш билан қатъий курашиш тўғрисида» айланма (циркуляр) хат юборган. Барча текширувлар шу асосда амалга оширилган. Чунки, Сурхондарё вилояти давлат архивидаги 8-жамгарма, 52-сақлов бирлигининг 17-варағида ёзилишича, Янгиариқ қишлоқ шўросига қаршли «Янгиобод» жамоа хўжалигининг 22 ёшли тегиримончиси Турсун Худоев 1933 йил 4 январдан 30 июнгача аҳолидан «тегиримон ҳақи» сифатида ундирилган 48 центнер урни дон тайёрлаш идорасига топширмай, талон-тарож қилган. Бу ҳақда ўша кезлар туман назоратчиси бўлган Житких баённома тузиб, прокуратурага берган. Шунга мувофиқ, Т.Худоевга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қамқоқ жазоси тайинланган. Тергов чоғидаги қийноқлар туфайли у «айб»ини тан олишга, «Бу маҳсулотларни касабани уюшма номидан муҳтожларга вақтинчалик, яъни улар пахта теримини тугатиб, меҳнатига ҳақ олгунга қадар қарзга таркатганман», дея кўрғазма беришга мажбур бўлган. Аммо бу вақтар инотибга олинмай, у алоҳида аҳамиятга эга оғир жиноят содир этганлигида айбланиб, 1932 йил 7 августда чиқарилган қонунда кўзда тутилган модда бўйича судланиб, жазоланиши учун иши Ўзбекистон ССР Олий судига юборилган.

Кўриб турганимиздек, яқин ўтмишда меҳнаткашларга ён босувчи касабани уюшмалари фаолларига ҳам зуғум ўтказилган. Уларга нисбатан бундай риёкорона муносабат кейинчалик ҳам давом этди. Лекин касабани уюшма фаоллари чекимнама, зиммаларидаги одампиллик, инсонпарварлик миссиясини ҳар қандай даврда ва шароитда шараф билан удралашга муваффақ бўлдилар.

Тўртинчи воқеа. Сурхон воҳаси тараққийига муносиб ҳисса қўшган инсонларнинг аксарияти бугунгидек нурафшон кунлар келишини орзу қилиб яшаган. Буни кекса ёшли нурунийлар, адабиёт ва санъат намояндалари ҳикояларидан ҳам билиш мумкин. Ўз замонасида вилоятнинг хурматга сазовор нурунийларидан саналган ажойиб инсон Холмурод Жўраев ҳаётлигида бизга қўйдиғиларни сўзлаб берган:

қурилиш қолдиқлари ҳалиям тоғлар орасида ётган бўлса керак, деб ўйлайман...

Бир замонлар меҳнаткашларга оромгоҳ қуриб бераман деб, кўп ғавғоларга дучор бўлган бу инсон бугун орамизда йўқ. Аммо унинг орзулари тўла рўёбга чиқди. Илгари тасарруфида биронта ҳам санаторий бўлмаган вилоят касабани уюшмалари эндиликда ишчи-ҳодимларга 4 та санаторий хизматидан фойдаланиш имкониятини яратиб қўйган. Уларда ҳар йили 34 минг нафар киши соғлигини тикламоқда. Бинобарин, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши ўз тасарруфида санаторийлар мавжудлиги бўйича Тошкент вилоятидан кейин иккинчи ўринда туради.

Бешинчи воқеа. Сурхон воҳасида касабани уюшмалари фаолияти турли босқичларни бошдан кечирган ҳолда тақомиллашиб борган. Хусусан, уюшмага аъзо бўлган бирор-бир соҳа ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашлар учун етарлича иш шароитлари яратишдан ташқари, меҳнат жамоалари билан маданий-маърифий, аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса меҳнаткашларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш билан бирга, билимларини оширишда ҳам яхши самаралар берган.

Мансур РАВШАНОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, яқинда (87 ёшда) вафот этди:

– Анча йиллар Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрига бош режиссерлик қилдим. Ижодий жамоамиз касабани уюшмалари билан яхши алоқалар ўрнатганди. Биз «Театр кунлари» ташкил этиб, вақти-вақти билан кишлоқлар аҳлига бепул концертлар, спектакллар намойиш этардик. Вилоят касабани уюшмалари эса байрамлар, айниқса, Халқаро театр кўни муносабати билан санъаткорларимизни совға-саломлар билан тақдирлаб, дам олишга йўлланмалар берарди.

Касабани уюшмаларига боғлиқ яна бир гапни айтиб ўтай. У пайтларда обком (вилоят партия қўмитаси)нинг идеология бўлими ишмизни қаттиқ назорат қилар, репертуар ҳам унинг тасдиғи ва рухсати билан танланарди. Буюк аждодларимиз ҳаёти, миллий тарихимиз билан боғлиқ асарларни саҳналаштиришга осонликча рухсат берилармасди. Шукри, Мустақиллик эълон қилинган, миллий қахрамонларимиз, улуғ аломларимиз ҳаётига, миллий қадриятларимизга бағишланган асарларни саҳналаштиришга рухсат этилди. Театрнинг режиссёри Неймат Пардаев зудлик билан воҳадошимиз, шoir Адиб Собир Термизий ҳақидаги драмани саҳналаштиришга киришди. Асар саҳна юзини кўргач, вилоят касабани уюшмалари кенгаши Адиб Собир Термизий номли мукофотни таъсис этди. Театримиз санъаткорларидан бир гуруҳи ушбу мукофотнинг илк совриндорлари бўлишди. Кейинги йилларда эса воҳамизнинг таниқли ёзувчи ва шoirлари ҳам бу мукофот билан тақдирланишди. Қисқаси, биз бошлаган хайрли иш касабани уюшмалари кўмағи билан кўп йиллар яхши анъана сифатида сақланиб қолди...

Хотира – ўтмишни ортиб олган фикр карвонидир, ҳаётини донолар. Зеро, инсон ҳаёт экан фикрлайди, эслайди. Ҳаёлда жонланувчи хотиралар эса кўзланган манзилли сари илгариллаб бораётган карвон мисоли ҳаммаша ҳаракатда, мудом уйғоқ бўлади. Ўзбекистон касабани уюшмалари ташкил топганининг 120 йиллиги муносабати билан битилган ушбу мақола баҳона биз ҳам олис ва яқин ўтмишни, унутилмас йилларда атрофидиғиларга яхшилик тилаш, ҳар бир инсонга меҳр улаштириш илминига қилган хайрли ишлари учун азият чекканларни, юртимизда касабани уюшмалари фаолиятини тўғри шақллантиришга ҳисса қўшганларни яна бир бор эсладик. Демак, инсониятга хизмат қилганларнинг номи келажак асарларни ҳам кезиб юради, деган халқ нақли ўзини оқлади.

Чори **ЖУМАКУЛОВ** «ISHONCH»

Ижтимоий тармоқларда ўзбек шoirларидан бири мушкул аҳволга тушиб қолгани ҳақида кўп ёзилди. Бу нохуш хабар кўпчилиكنи хавотирга солди, одамлар қалбида иждокорга нисбатан ачинади ҳисларини уйғотди.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР
БИР УМР ШЕЪРИЯТГА
ОШНО ТУТИНГАН
ОТАХОН

Афсуски, бундай воқеалар ҳаётда тез-тез қузатилади. Шу билан бир қаторда, дунёнинг турли бурчакларида ўзи моддий ёрдамга муҳтож ва яшаш шароити оғир бўлишига қарамай, бутун умрини илмага ёхуд иждога бағишлаган, бу ишни асосий мақсад-вазифаси деб билган, ҳаётидан мамнун бўлиб яшаётган олим ва шoir-ёзувчилар ҳам кўплаб топилади. Энг муҳими, уларга ортиқча нарса керак эмас, битта қулба, қоғоз ва қалам, яъни эмин-эркин ишлаши учун имконият бўлса, бас!

Шундай инсонлардан бири ўзбекистонлик болалар шoirи Мўмин Авазидир. Салкам 80 ёшни қораллаган бу отахон Сирдарё вилоятининг чекка бир ғушасида ёлғиз яшайди. Йўқ, адашдим, шекилли, ёлғиз эмас, шеърлари, ҳар лаҳза, ҳар он китоблари билан бирга яшайди. Шеър ёзишни эса шом пайтидан бошлаб, бомдодга қадар давом эттиради, таъбир жоиз бўлса, тунни ижод билан бедор ўтказида. Ана шунинг самараси уларок, хозиргача 15 дан ортиқ шеърли тўплами чоп этилган. Улар асосан ижтимоий, болалик, абстракт мавзуларга бағишлаб ёзилган.

Яқинда Мўмин ака билан танишиш мақсадида унинг қишлоғига бордик. Маҳалласига кираятганимизда ўша атрофда яшовчилардан «Шoir Мўмин Авазнинг уйи қерда?» деб сўрагандик, улар бироз ажабланишди. Бунинг сабабини кейин билдик: ҳозир кўпчилик китоб ўқимай қўйган. Шу боис бу инсонни шoir эмас, Мўмин ака сифатида танишар экан. Кўп ўтмай, шoir хонадонини топдик. У бошига марғилон дўпписи, эгнига оҳори тўкилган костюм кийган қўйи ҳовлисида бузоқларига емиш бераётган экан. Бизни қўриши биланок юзига майин табассум югурди. Сўнгра тавозе билан «Хуш кўрдик! Қани, ичкарига марҳамат!» деди.

Биз кирган лойишвоқли ва эски жиҳозлар мавжуд бир хонали уй гўёки музейни эслатарди. Хонанинг ҳар бурчакида, ёстиқ остида, дераза олдида шеър қорамаллари ётар, жавон ва тоқчаларга турли-туман китоблар тахлаб қўйилганди.

– Шеърни ҳамма ҳам тушунавермайди. Уни англаш учун, аввало, Навоийни, буюк алломалар асарларини ўқиш керак. Шундан илҳомланиб ёзилган биткилар биздан келгуси авлодга мерос бўлиб қолади. Вақти-соати келиб, уларни кимлардир, албатта, ўқийди, – деди отахон ўзига ишонч билан. – Мен бундан 40 йилча бурун шеърларимни газетда чиқариш учун таниқли адиб Асафд Мухтор қабулига боргандим. Ҳозир ҳам турли таҳририятларга ёзганларимни қўлтиқлаб бораман. Баъзилари газета-журналлар саҳифаларида чоп этилса, ёш боладек қувонаман. Охири пайтларда пенсия пулминини йиғиб, озорқ нусхада бўлса-да, яна китоб чиқариш ниятидаман. Умуман олганда, шoir зоти кимдир шеърларини ўқиниши, тинглашини, ёд олишини ва ундан завқланишини орзу қилиб яшаш керак.

Отахон билан сўхбатимиз узоқ давом этди. Қайтар чоғимизда у бизга ўқиб бермаган шеърлари ҳам кўпчилигини эслатди. Биз эса бошқа бир нарсани ўйлаб, ҳаёлга топдик. Ижтимоий тармоқларда берилган айрим қўшиқларни кўриб-эшитадиганлар сони 500 миллионга яқинлашади. Лекин шеърларни ўқийдиганлар-чи?... Таажуб, инсонга умуман маънавий озук берайдиган қўшиқлар роса оммалашса-ю, ҳақиқий ижод намуналарини чанг босиб ётса, бу қанақаси? Ёки умрида ёлғичи битта китоб ўқимайдиганлар давраларининг тўрида ўтирса-ю, илмли инсонлар панада қолиб кетаверса, буни қандай баҳолайсиз?..

Диёра **РАВШАНОВА** «ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Рустам Ғойилов ижросида
«КЕЛ ЭЙ СОҚИЙ»
қўшиғи

Кел эй соқий, муҳаббат жомидан май, Харидор илгина бергил паёғи.
Харидор ул эзур жуз нийяти фард, Кўнгил қўлокина юқтирмагай гард.
Сўфи **Оллоёр шеър**

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)
Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Suxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
To'shkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Abdunabi HAYDAROV
Musahhih: Dilorom XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV
Boshlash topshirish vaqti: 19:30
Topshirildi: 19:50
Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 252 449 ta
Shundan: 6 258 nusxa
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 276 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-511**
1 2 3 4 5 6